O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Ушбу сонда:
2 БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУРУВВАТ
3 НАФС ГИРДОБИ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ОМАД КЕЛТИРГАН БОЙЛИК

**MEZON:**

**Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўйювчи бўлиши мумкин.**

**Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўйювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.**

**«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 3 (510)
2007 йил 23 январь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ХАЛҚ МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Озод ва фаровон юртимизнинг мустақил тараққиёт давридаги ҳар бир йили асрларга татигулик янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, ривожланиш сари ташланган дадил одимларга уйғун кечаётир. Истиқлол йилларида ҳар бир йилни алоҳида ном билан аташ ҳаётимизда эзгу анъанага айланди. Аслида йилларни бундай номлаш замирида қадим давлатчилигимиз ва халқимизнинг асрлар мобайнидаги бардавом қадриятлари — меҳр-муҳаббат, инсон манфаатларини юксак тутиш, ёш авлодни соғлом ва маънавий баркамол тарбиялаш, оналар ва болалар ҳимояси, маҳалла ва юрт ободлиги сингари инсонпарвар мақсадлар мужассам.**



Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида янги — 2007 йилни **«Ижтимоий ҳимоя йили»** деб эълон қиларкан, «ижтимоий» сўзининг луғавий маъносига шундай таъриф берди: **«Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».**

Дарҳақиқат, кейинги ўн йил мобайнида ҳар бир йилнинг алоҳида номланишида туб ижтимоий-маънавий мазмун-моҳият бор. У ҳам бўлса, инсон манфаатлари, халқимизнинг орзу-интилишлари, дард-у ташвишларини диққат-эътиборда тутиб, саъй-ҳаракатларимизни улуғ мақсадларга йўналтиришдир.

Албатта, жамиятимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Бу муаммолар орасида энг долзарби — оддий инсон манфаатининг кун тартибига қўйилиши, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифа қилиб қўйилгани давлатимиз олиб бораётган инсонпарвар сиёсатнинг мантиқий давомидир. Ушбу сиёсатнинг самарали натижаларини бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ёрдамга муҳтож тоифаларига — кўп болалик ва кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга, етим-есир ва ногиронларга, талаба ва пенсионерларга кўрсатилаётган кўмак мисолида яққол кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, бундай ёрдамлар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Чунончи, 2006 йили давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилалар учун бериладиган ижтимоий нафақаларга эса жорий йилда давлат бюджетидан ажратиладиган харажатлар миқдори 7 фоиздир.

Мустақиллик йилларида тинч ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг қонуний негизи яратилди. Дастлаб, Конституциямизда халқ манфаатининг ҳуқуқий асослари ўз аксини топди. **«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши»** Бош Қомусимизнинг 14-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, «Ўзбек модели» номи билан жаҳонда тан олинган, мустақил тараққиётимизнинг асосини ташкил этган беш тамойилдан бири кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Ушбу тамойилни ҳаётга жорий этиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**, **«Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»**, **«Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»** ва бошқа аҳоли ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган қонунлар қабул қилинди.

Албатта, **«Ижтимоий ҳимоя йили»**да олдинги йиллардан бошланиб, изчил давом эттирилиб келинаётган эзгу ишлар янада жонлантирилади. Жумладан, етим-есир, қаровчисиз қолган болаларга зарур ёрдамлар берилади, маънавий мадад кўрсатилади. Шунингдек, ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, иш ўрнига эга бўлиши билан боғлиқ масалалар ҳам ушбу йилдаги устувор вазифалар сирасига киради. Меҳнат фахрийлари ва пенсионерларни муносиб яшаш шароити билан таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг 7 сентябрида қабул қилинган Президентимизнинг **«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»**ги қарори нафақат аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, балки бу соҳадаги ишларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган 2007 йил — истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошланган ва изчил давом этиб келаётган бунёдкорлик ишларимизнинг давоми сифатида халқ турмушининг фаровонлиги ошишига, орзу-умидлари тўлиқ юзага чиқишига хизмат этадиган йил бўлади.

**Бобомурод РАЙИМОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОЙИШИ**

## Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишга оид муҳим тамойил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи 1998-2006 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш якунларини танқидий баҳолаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг соғлиғини сақлашни ташкил этиш борасида ҳал этилмаган масалаларни чуқур таҳлил қилиш асосида 2007 йилнинг 1 мартигача Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги масалалар кўзда тутилган аниқ таклифлар киритсин:

а) аҳоли учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини ва давлат ҳамда хусусий тиббиёт муассасалари кўрсатадиган пулли хизматлар улушининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлайдиган, юқоридан қуйигача самарали бошқариладиган замонавий соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмасини шакллантириш;

б) ўз соҳасида юқори малака, тажриба ва обрў-эътиборга эга шифокор-олимлар ва мутахассислар, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим соҳалари бўйича юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда:

Ўзбекистонда касалланиш динамикаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

тиббиёт амалиётига даволашнинг илғор услублари ва технологияларини жорий этиш, замонавий тиббий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналаридан фойдаланиш асосида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни текшириш ва даволаш;

клиника ординатураси орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштириш ишларини ўз ичига оладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) касалликларнинг олдини олиш ва қишлоқ аҳолисига сифатли биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш;

г) соғлиқни сақлаш тизимининг кам қувватли, ортиқча ва самарасиз муассасаларини, кейинчалик уларнинг негизида замонавий нодавлат даволаш муассасалари ташкил этиш шарти билан ижарага ёки хусусий мулк қилиб, шу жумладан, уларни нолга тенг қийматда бериш;

д) соғлиқни сақлаш тизимида пулли хизматлар ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришни таъминлайдиган қўшимча имтиёзлар яратиш;

е) аҳоли, айниқса болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини мустаҳкамлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳининг таклифлари асосида 2007 йилнинг 15 мартигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг тегишли лойиҳасини тайёрласин ва тақдим этсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 январь.

*Xabar*

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

**Жорий йилнинг 15-19 январь кунлари Адлия вазири Ф.Отахонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси амалий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди.**

Ушбу ташриф Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Германия федератив ҳукуматининг ташаббусига кўра амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратураси вакилларидан иборат делегация аъзолари махсус тақдимот дастурида иштирок этишди. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон вакиллари Германиянинг бугунги суд-ҳуқуқ тизими, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тажрибаси, жумладан, «Хабеас корпус» институтини жорий этилиши ва фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, икки давлатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Германиянинг адлия, ички ишлар ва ташқи ишлар вазирликларида, Бундестаг (парламент) қўмиталарида ўзбекистонлик меҳмонлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жиноят тергови бўлинмалари ва пенитенциар идоралари фаолияти билан ҳам танишишди. Бундан ташқари, Конрад Аденауер Фонди ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари билан ҳам учрашишди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари германиялик ҳамкасбларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган қонунчилик ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳотлар билан таништирдилар.

*Tahlil va saboq*

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

### унинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган

**Тадбиркорлик фуқароларимизнинг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Бу ҳуқуқнинг юзага чиқарилишига давлат ҳар томонлама кўмаклашади. Зеро, тадбиркорлик тараққий этган давлат иқтисодий жиҳатдан ривожланади, гуллаб-яшнайди.**

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши турли шакл ва усулларда олиб борилади.

**"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 41-моддасида давлат бошқарув органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти белгилаб берилган. Унга кўра, давлат бошқарув идоралари ўз ваколатлари доирасида:

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштиради;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

-тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техника ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда кўмаклашади.

Давлат бошқарув идоралари тадбиркорларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш билан бирга, чет эл инвестицияларини жалб этишда уларга ёрдам кўрсатишлари лозим.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Бунга хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат идоралари томонидан амалга ошириладиган такрорий текширишларни бартараф этиш, асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик мақсадида, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими жорий этилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу борада **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонунлар, Президентимизнинг 1996 йил 8 августда **"Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"**ги ва 1998 йил 19 ноябрда **"Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"**ги Фармонлари қабул қилинди. Ўтказиладиган текширишларни мунтазам мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш ҳамда назоратни янада кучайтириш мақсадида Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ташкил этилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, 2000 йил 6 апрелда Адлия вазирлигида 917-сон билан **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низом давлат рўйхатидан ўтказилиб, Текширишларни рўйхатга олиш китоби жорий этилди. 2001 йил 15 майда бу Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланиб, 917-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган эди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди.**

*Qonun ijodkorligi*

## ОАВ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Мазкур соҳани жадал ва изчил ривожлантиришнинг мукаммал меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. Бош Қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бу институтга бериладиган кафолатларнинг асосий тамойилларини ўрнатувчи нормалар белгиланди. Хусусан, Конституциямизнинг II боб 12-моддасида конституциявий тузумнинг асоси сифатида **"ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас"**лиги белгилаб қўйилди.

Конституция умумий тамойиллар билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи махсус конституциявий нормаларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Хусусан, VII боб 29-моддасида **"ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга"** эканлиги кафолатланган бўлса, оммавий ахборот воситаларининг мақоми конституциявий ҳуқуқий мустаҳкамланган норма Конституциянинг XV боб 67-моддасида қуйидагича ифодаланган: **"Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди"**.

Ўтган йиллар мобайнида халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартлар ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий тамойиллар асосида **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**, **"Реклама тўғрисида"**, **"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**, **"Ноширлик фаолияти тўғрисида"**, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонунлар билан бир қаторда, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли идораларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонун даражасида ҳуқуқий таъминланишига ва олдин мавжуд бўлмаган ахборот ҳуқуқий институтларининг шаклланиши ва ривожланишига имкон яратди. Айниқса, ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари эркинлиги, сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари томонидан ишлаб чиқарилган ахборот ва бошқа маҳсулотларнинг монеликсиз тарқатилиши, шунингдек, ахборотни қидириш, олиш, ишлаб чиқариш ва тарқатишдаги чекловлар, уларга эгалик қилиш, тасарруф этиш, оммавий ахборот воситалари маҳсулотини яратиш ва тарқатишда ишлатиладиган материаллар, хомашёлар, техник воситаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш каби масалалар бозор иқтисодиёти талаблари, демократик андозаларга мос равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

*(Давоми учинчи бетда)*

*Qonun ijodkorligi*

# ОАВ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

XXI аср жамият ҳаётига ахборот асри сифатида кириб келди. Замонавий ахборот ва алоқа технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилиши ахборотни жамият ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллардан бирига айлантирди. Бундай шароитда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тегишли қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш зарурати туғилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифа ва йўналишлари белгилаб берилар экан, Президентимиз бу жараёнда муҳим таркибий қисм бўлган матбуот, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, давлатимиз раҳбари: **“Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш буйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир. Бу борадаги асосий вазифа – мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат”**, деб таъкидлади.

Ушбу маърузада кўтарилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 2005 йил 10 мартда Президентимизнинг **“Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Қарорда жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бирга оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва янгилаш, улар фаолиятини ислоҳ қилиш борасида бир неча қонун ҳужжатларини қабул қилиш ҳам белгилаб қўйилди. Демак, Президент Ислом Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасидан кейин ҳамда юқоридаги қарор асосида оммавий ахборот воситаларига оид қонунчилик ривожланиши янги босқичи бошланганини эътироф этиш жоиз:

Бу борада, биринчи навбатда, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги қонунни ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда янги таҳрирда қабул қилишга эътибор қаратилди. Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида кўпгина қонун ҳужжатлари билан бир қаторда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда, янги таҳрирда маъқулланди ва Президент томонидан имзоланди.

Янги таҳрирдаги қонун 1997 йилдаги **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги қонундан ҳажм ва мазмун жиҳатдан анча кенг бўлиб, 40 та моддани ўз ичига олади. Қонуннинг олдинги матнида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг турли хил соҳалари муайян институтлар сифатида ажратиб берилмаган эди. Янги таҳрирдаги қонунда, олдинги қонундан фарқли ўлароқ, моддалар тизимлаштирилиб, тартибга солиш предметига қараб олтита:

- **умумий қоидалар;**
- **оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш;**
- **оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;**
- **оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш; оммавий ахборот воситалари бозорини монополиялаштиришга йўл қўйилмаслик;**
- **оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабати;**
- **якуний қоидалар;**

сингари бобларга ажратилиб берилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг кириш қисмига қонуннинг мақсади, унинг қўлланилиш соҳаси, оммавий ахборот



воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бағишланган моддалар киритилди. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, қонуннинг фаолият доирасини янада аниқлаштиришга хизмат қилади.

Қонуннинг 4-моддасида оммавий ахборот воситалари тушунчасига, мазкур институт ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, тамомила янгича мазмундаги таъриф берилди. Таърифга биноан, **“Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллитенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситалари”** ҳисобланади. Олдинги қонундан фарқли ўлароқ, янги таҳрирдаги қонунда ҳозирги кунда ахборот соҳасида ўзининг оммавийлиги, тезкорлиги ва кенг қамровлилиги билан ҳаётимизга тобора жадал кириб келаётган телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситалари сифатида белгиланди.

Ушбу моддада, шунингдек, оммавий ахборот воситаси сифатида маълум бир даврийликка, яъни олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган воситаларгина тан олиниши белгилаб қўйилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари барқарор фаолият юритиши ва мустақиллиги кўп жиҳатдан таҳририят билан муассис ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада ўрнатилганига боғлиқ. Янги таҳрирдаги қонуннинг 12-моддаси айнан муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, аввалги қонундан фарқли ўлароқ, улар ўртасида тузиладиган шартномада акс этиши лозим бўлган талабларни аниқ, алоҳида бандларга ажратган ҳолда ифода этади.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида оммавий ахборот воситалари таҳририяти тушунчасига ҳам атрофлича таъриф берилган. Яъни таҳририят оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Шунингдек, у қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Мазкур моддада, шу билан бирга, таҳририятнинг ўз касб фаолиятида мустақил эканлиги кўрсатиб ўтилган ва унинг оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўз фаолиятини бошлаши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Қонунда ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатишнинг тартиби билан боғлиқ масалаларга янада ойдинлик киритилди. Хусусан, 21-моддада рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмай фаолият юритиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларининг турлари кенгайтирилди. Жумладан:

- **фақат ўз расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этиладиган оммавий ахборот воситалари;**
- **корхона, муассаса, ташкилотнинг (шу жумладан, ўқув ва илмий муассасанинг) ўз эҳтиёжларини қондириш учун адади юзтагача нусхада чоп этиладиган даврий босма нашрлари;**
- **кабель тармоқлари орқали олиб бериладиган (кўрсатиладиган) теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, шунингдек, тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан, ўқув ва илмий муассаса) биноси ва (ёки) ҳудуди билан чекланадиган аудио-, аудиовизувал хабар ва материаллар рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмайди.**

Бу эса, ўз навбатида, юқорида кўрсатиб ўтилган ахборот субъектларининг фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини кенгроқ қондириш борасидаги фаолият доирасини кенгайтириш учун зарур имкониятлар яратади.

Олдинги қонундан фарқли ўлароқ, янги таҳрирдаги қонуннинг 25-моддасида оммавий ахборот воситалари маҳсулоти тушунчасига берилган таърифга биноан, оммавий ахборот воситаларининг маҳсулоти деганда, **“даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши”** тушунилиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонундаги яна бир муҳим янгилик шуки, унинг 27-моддасида даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усулларидан бири сифатида кўрсатилган. Яъни: **“тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шаклларининг мазмуни ва айнан бир хил бўлган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда, даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақли”**, деб белгилаб қўйилган. Бу янги меъёр оммавий ахборот воситалари томонидан етказиб бериладиган ахборотлардан тегишли веб-сайтлар орқали дунёнинг исталган жойида фойдаланиш ҳамда муштарий доирасини кенгайтириш имкониятини туғдиради.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифати ва самараси жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда ижтимоий институтларга, хусусан, оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади.

Бугун олдимизда ўзбек оммавий ахборот воситаларини жаҳон матбуотининг энг илғор, замонавий андозалари даражасига олиб чиқиш, шу билан бирга, миллий ўзига хос шакл ва мазмунни қарор топтиришдек муҳим вазифа турибди. Шу мақсадда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизимини яратиш, уни доимий тарзда шакллантириб бориш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил ва тўлиқ бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчиликни янада шакллантиришга қаратилган юқоридаги қонун бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир.

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими**

*Mulohaza uchun mavzu*

# БОЛАЛИ УЙ БОЗОР

## ёхуд фарзандликка олишнинг ҳуқуқий асослари

**Инсон қаерда бўлмасин, уни ўз оиласи мудом бағрига оҳанрабодек чорлаб туради. Оилада, фарзандлари бағрида туйган ҳузур-ҳаловатни киши бошқа ҳеч жойдан тополмайди. Дилбандининг беғубор биргина кулгуси ғам-ташвишлардан, чарчоғу толиқишдан фориғ этади. Бироқ ҳаётда турли сабабларга кўра, фарзанд кўрмаган оилалар ҳам йўқ эмас. Бундай кишилар аксарият ҳолларда турмушларидаги кемтикни фарзанд асраб олиб тўлдирадилар.**

Қонунчилигимизда фарзанд асраб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, **Оила кодекси, «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш»** Қоидалари, **«Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги Низом, **«Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (Патронат) тўғрисида»**ги Низом сингари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли фарзандликка олиш билан боғлиқ ортиқча оворагарчиликлар ва қоғозбозликларга барҳам берилди. Эндиликда болаларни фарзандликка ва тарбияга олишга доир ҳужжатлар рўйхати аниқ белгилаб, васийлик ва ҳомийлик идораларининг фаолияти ҳам тубдан янгиланди.

Шу ўринда фарзандликка бола олишни истаган шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхатини келтириб ўтсак. Бу ҳужжатлар сирасига:

- **фарзандликка олувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, қачондан бери никоҳда тургани, уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёшлари, фарзандликка олинадиган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши ва жинси кўрсатилган аризаси;**
- **шахсини тасдиқловчи ҳужжат;**
- **никоҳ тузилганлик (никоҳдан ажралганлик) ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;**
- **оила аъзолари кўрсатилган ҳолда турар жойидан маълумотнома;**
- **иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;**
- **иш жойидан ёки турар жойидан тавсифнома;**
- **фарзандликка олишни истовчи шахснинг соғлиги тўғрисида тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психатрия, наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансерининг маълумотномаси.**

Шунингдек, агар фарзандликка олинаётган бола 10 ёшга тўлган бўлса, унинг розилиги васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан аниқланиши лозим. Боланинг розилиги аниқланганда, унга фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари аниқ ва лўнда қилиб тушунтирилади. Оила кодексининг 197-моддасида: **«Оилага тарбияга олинган болалар:**

- **ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;**
- **уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;**
- **қонун ҳужжатларига мувофиқ жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.**

**Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.**

**Боланинг манфаатига дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли»**, деб кўрсатилган.

Васийлик ва ҳомийликдаги давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, ота-онасининг розилиги талаб қилинмайдиган ҳолларда, васий (ҳомий) ёки ушбу муассаса маъмурияти розилиги билан амалга оширилади.

Васийлик ва ҳомийлик идораси фарзандликка олинувчи ҳақида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- **туғилганлик ҳақида гувоҳнома;**
- **бола фақат эр ёки хотин томонидан фарзандликка олинадиган бўлса, хотин (эр)нинг ёзма тарздаги розилиги (агар эр-хотин оилавий муносабатни тугатган, бир йилдан ошиқ биргаликда яшамаётган ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, хотин-(эр)нинг ёзма розилиги талаб этилмайди);**
- **фарзандликка олинувчи ота-онасининг нотариал тасдиқланган ёзма розилиги;**
- **боланинг ота-онаси вафот этгани ҳақида маълумотнома ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилгани, муомалага лаёқатсизлиги ёки лаёқати чеклангани, бедарак йўқолган ёки ўлган, деб топилгани тўғрисидаги суднинг қарори;**
- **ота-онанинг бола тарбияси ва таъминотидан воз кечгани тўғрисидаги аризаси, ота-онага қидирув эълон қилингани ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасаларнинг боланинг ташлаб кетилгани ҳақидаги далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар;**

*(Давоми тўртинчи бетда)*

*Dakki*

# ЛОҚАЙДЛИК КАСРИ

**Мамлакатимизда баркамол авлоднинг вояга етиши, камол топиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ҳар йили ўнлаб замонавий типда қурилган мактаб, лицей ва коллежлар ёш авлод ихтиёрига топширилмоқда. Бунинг замирида ёшларга кўрсатилаётган эътибор орқали эртанги кун истиқболини кўришдек оқилона сиёсат мужассам.**

Лекин буни ҳамма ҳам тўғри англаб етавермайди. Акс ҳолда, қуйидаги нохуш ҳолатлар юзага келмаган бўларди.

Яқинда Республика Бош прокуратураси томонидан мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги аҳвол, болаларга яратилган шароит, энг муҳими, уларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва миқдори ўрганиб чиқилди. Жумладан, Каттақўрғон туман прокуратураси ходимлари ҳам туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача тарбия муассасаларидаги аҳволни таҳлил қилишди. Ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, халқ таълими бўлимига қарашли боғчаларда болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Айтайлик, туман халқ таълими бўлимига қарашли 10-сон боғчада ўтказилган текширувда етти турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, 39-сон мактабгача таълим муассасасида беш турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари камомади борлиги аниқланди. Энг ачинарли томони шундаки, текшириш жараёнида худди шундай ҳолат туман халқ таълими бўлимига қарашли бўлган 43 та боғчада ҳам қайд этилди.

Шу ўринда кишини бир нарса таажжубга солади. Болалар боғчасида ишлаётган мудира, ошпаз опаларимиз наҳотки гўдакларнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмайдилар?!. Ёки улар “алдагани бола яхши” қабилида иш тутишадими? Ота-оналар-чи, улар нега ўзларининг фарзандлари тарбия олаётган, униб-ўсаётган жойнинг шароити билан қизиқишмайди?!.

Туман халқ таълими бўлими томонидан боғчага келган текширувчилар ҳам кўра-била туриб, ёпиғлик қозонни ёпиғлигича қолдиришган. Албатта, хато-камчилик ёки қонунбузарликларга йўл қўйганлар қонун талаби асосида жазоларини олишади. Лекин масаланинг бошқа бир томони кишини ўйлантириб қўяди. Ахир, бугунги болалар — бизнинг эртамиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратмоқда. Болаларнинг ўсиб камол топиши учун катта маблағ ажратмоқда. Шундай экан, бу хайрли ишга бепарво бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

**Салоҳиддин ТУРСУНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг раиси,**
**Ҳусан ЧИННИҚУЛОВ,**
**Каттақўрғон туман прокурори ёрдамчиси**




### ПОКИСТОН: ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

Душанба куни Покистоннинг Афғонистонга чегарадош шимолий Вазиристон туманида террорчи ҳарбий автокалоннани портлатишга уринди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги. Террорчилик ҳаракати натижасида 3 нафар ҳарбий қурбон бўлди ва яна 9 нафар ҳарбий хизматчи турли даражада тан жароҳати олди. 2006 йилнинг ноябрь ойида ҳам шундай террорчилик ҳаракати оқибатида Даргаи шаҳрида 42 нафар Покистон ҳарбий хизматчилари қурбон бўлган эди.

Покистон Мудофаа вазирлиги вакили, генерал-майор Шавкат Султоннинг айтишига қараганда, ўтган ҳафтада жанубий Вазиристон ҳудудида жойлашган жангари базасига ҳаво ҳужумлари уюштирилган. Ўтказилган ҳарбий операция натижасида 20 нафар жангарилар ўлдирилган. Шунингдек, генерал-майор Шавкат Султон террорчининг хатти-ҳаракатини ана шу ҳаво ҳужумлари учун “қасд олишга уриниш”, деб баҳолади.

### ШВЕЦИЯДА “ТОВЛАМАЧИ” БАНКОМАТЛАР

Маълумки, Швеция дунёнинг энг жиноятчилик кам содир этиладиган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Лекин яқинда Швеция пойтахти Стокгольмда кетма-кет содир этилган жиноятлар кўпчиликни ҳайратга солиб қўйди.

Бугун техника юксак тараққий этган даврда кўпгина пулдорлар ўз маблағини банкда сақлайди. Шунингдек, кўпчилик чўнтагида пул олиб юришдан кўра, пластик карточкалардан фойдаланишни маъқул кўради. Албатта, чўнтакни қаппайтириб юриш, биринчидан, ноқулайлик туғдирса, иккинчидан, ҳамённи йўқотиб қўйиш хавфи ҳамиша кишини хавотирга солади. Пластик карточка эса ҳам ихчам, қулай, энг асосийси, уни йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйган тақдирингизда ҳам сизнинг маблағингизни ҳеч ким ўзлаштириб ололмайди. Чунки пластик карточкадаги махсус рақамни фақатгина унинг эгаси билади.

Буни қарангки, устаси фаранг товламачилар пластик карточкалардаги махсус рақамлар сирини “очиш” йўлини ҳам “ихтиро” қилишибди. Натижада стакгольмлик бир қатор банкларнинг мижозлари чув тушиб қолишди. Бу ҳақда Швециянинг “Свидбанк”и хавфсизлик хизмати раҳбари Бертиль Эльвен шундай ҳикоя қилади:

–Биз илк марта бундан икки ҳафта олдин пойтахт яқинида жойлашган Мэшта шаҳарчасида ана шундай муаммога дуч келдик. Мижоз кимдир ўзининг пластик карточкасидаги маблағни “ўмариб” кетганини айтиб шикоят қилди. Зудлик билан ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, товламачилар Стокгольм ва унинг яқин-атрофига бир неча ўнлаб сохта банкамотлар ўрнатишган. Бу банкамотларга эса пластик карточкалардаги яширин пинкодларни хотирада сақлаб қолувчи техник қурилма жойлаштирилган.

Стокгольм полицияси бу жиноятни Швецияга Шарқий Европадан келган товламачилар амалга оширишган, дея тахмин қилишмоқда. Лекин бу тахминга нима асос бўлганини ҳозирча ошкор этишмаяпти. Айни кунларда эса полиция ва барча банклар мижозларни огоҳлантириш билан банд.

### МАЙК ТАЙСОН ЯНА СУДДА

Дунёга машҳур бокс қироли Майк Тайсон яна суднинг қора курсисига ўтирди, деб хабар беради, "РИА-Новости" ахборот агентлиги. Маълумотларга қараганда, Майк



Тайсон 2006 йилнинг 29 декабрь куни Аризона штатидаги Скотдейл шаҳридаги тунги барлардан биридан қайтаётганда маҳаллий полиция машинасини уриб юборай дегани, учун қўлга олинган. Полиция текширувида унинг гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилганлиги аниқланган. Шунингдек, Майк Тайсон машинани гиёҳванд модда истеъмол қилган ҳолда бошқарганлик ва машинасида гиёҳванд модда сақлаганликда ҳам айбланмоқда.

Душанба куни Аризона штатининг Марикопа округ суди Майк Тайсон "иши"ни кўришни бошлади. Судья Карен Эранинг айтишига қараганда, агар Майк Тайсон суд жараёнида ўзини яхши тутса, айбларига чин дилдан иқрор бўлиб, узр сўраса, суд буни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олади.

Марикопа округи прокуратураси вакили Барнетт Лотстайннинг айтишича ҳали Майк Тайсоннинг ўз айбига иқрор бўлиш-бўлмаслиги номаълум. Унинг адвокати Томас Марло ҳам журналистларга бу ҳақда маълумот беришни истамаган.

Суд бошланишидан аввал бўлиб ўтган матбуот анжуманида округ прокурори Эндрю Томас журналистларга Майк Тайсонни 27 ойдан 7,5 йилга қадар қамоқ жазоси кутаётганини маълум қилган.

**Интернет материаллари асосида Элёрбек АБДУМУРОДОВ тайёрлади**

**Ўзаро сўзлашув жараёнида «нафс» атамаси одатда диёнат, инсофу-инсофсизликка ўхшаш иборалар билан бирга қўлланилади. Чунки инсофли одам ҳеч қачон ўз нафси йўриғига юрмайди. Инсофсиз одам эса аксинча, ўз нафсининг қулига айланади. Дунёнинг ҳавойи кўнгилхушликларига берилиб, ўз ҳаётини ўзи заҳарлай бошлайди. Иймонли киши эса ҳамиша ўз нафси устидан доим ҳукмрон, унинг меъёрини билади. Бундай инсонлар ўзларига ва ўзгаларга эзгулик тилаб яшайдилар.**

*Jinoyat va jazo*

# НАФС ГИРДОБИ

**Суд очерки**

Нафс гирдобига тушиб қолганлар ҳар қандай ёмонликдан тап тортмайди. Ўз нафсларини ўйлаб, ўткинчи ҳою-ҳавас йўлида нафақат ўзларига, балки атрофдагилар, ўзлари яшаб турган жамиятга ҳам зарар етказади.

Бир ўйлаб кўринг, бугунги кунда бутун жаҳон аҳлини ташвишга солаётган, кундан кунга инсониятнинг энг катта ва ёвуз душманига айланиб бораётган гиёҳвандлик балоси қаердан пайдо бўлган? Бу офатнинг дояси ким? Бизнинг назаримизда, бу саволларнинг барчасига биргина сўз билан жавоб бериш мушкул. Улар — шубҳасиз, нафс гирдобига тушиб қолган, унинг ёвуз йўриғига йўрғалашга ўрганиб қолган инсофу диёнатсиз одамлардир. Ахир, қайси соғлом фикрли инсон бойлик орттириш мақсадида гиёҳфурушликдек қаттол ишга қўл уради? Бировнинг ҳаётини заҳарлаш эвазига рўзғор тебратган одамни ким, деб аташ мумкин? Шубҳасиз, ўз нафсига қул бўлган кимсаларгина ана шундай қабиҳ ишларга қўл уриши мумкин. Бугун биз, сиз билан шу мавзуда фикрлашмоққа жазм этдик.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари қанчалик жиддий кураш олиб бормасинлар, афсуски, орамизда қабиҳ ишларга қўл урадиган фуқаролар учраб турадики, уларнинг қилмишларини оқлаб бўлмайди. Масалан, Малика Хайруллаева ва Наташа Комаровалар (исм-шарифлари ўзгартирилган) аввал ҳам енгил даромад топиш илинжида бир қатор жиноятларга қўл уриб, озодликдан маҳрум этилган эди. Фақат улар Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони туфайли жазодан муддатидан илгари озод этилган эди. Боболаримиз «Букрини гўр тўғрилайди», деб бежиз айтишмаган. Бағрикенглик туфайли озодликка чиққан «қаҳрамонларимиз» ҳам ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Аксинча, янада оғирроқ жиноят, гиёҳфурушликка қўл уришди. Келинг, шу ўринда воқеа тафсилотига тўлиқроқ тўхталиб ўтайлик.

Малика Хайруллаева 1964 йилда Навоий вилоятида туғилган. Жиноят содир этгунга қадар Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси 125-хонадонда истиқомат қилган. Турмуши бузилган, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Малика анча пайтдан буён оғуфурушлик билан шуғулланиб келган. Ўзи ҳам гиёҳванд.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

